

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 21

« 19 » сентябрь 2022 йил.

Учкўприк тумани

Шартнома тузишнинг умумий қоидалари асосида ҳаракат қилувчи бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан раҳбари Б.Орипов шартнома тузишнинг умумий қоидалари асосида ҳаракат қилувчи бундан буён «Пудратчи» деб аталувчи «Улугбек Келажак Бунёдкори» х/к номидан корхона раҳбари У.Ашуров бўлиб тузадилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ.

1.1 «Пудратчи» шахсий ва жалб этилган кучлар билан шартномадаги «Буюртмачи»га Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси (ТТБ)га қарашли Яккамулла қишлоқ оилавий поликлиника биносини жорий таъмирлаш ишларини шартномага илова қилинувчи смета-лойиха ҳужжатларига асосан тўлиқ таъмирдан чиқаради.

2. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Буюртмачи» кўрсатиб ўтилган таъмирлаш учун мўлжалланган бинони лойиха смета ҳужжатларини «Пудратчи»га топширади ва таъмирланиши керак бўлган бино ва иншоотларни таъмир учун бўшатиб беради.

2.2 «Пудратчи»га ўз вақтида аванс тўловлари ва жорий тўловларни келишилган график асосида тўлаб боради.

2.3 «Пудратчи» томонидан бажарилган таъмирлаш ишларини назорат қилиб боради ва тугалланган ишларни қабул қилиниб борилишини таъминлайди, Пудратчи харажатларини Фарғона вилоят Статистика Бошқармасининг 2009 йил 20 мартдаги №425/11 даги хатига ва вилоят бўйича тўланаётган йиллик ўрғача иш ҳақлари кўрсаткичларидан келиб чиқиб тўлайди. Материал харажатлар сотиб олинган материаллар ҳисоб-фактураларига асосланади.

3. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Пудратчи»ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан шартномага илова қилинувчи смета ва жорий таъмир лойихаларига мувофиқ амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда таъмирлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 «Пудратчи» таъмирлаш майдончасида таъмир-қурилиш ишларини техника хавфсизлиги, меҳнат хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофазалаш қоидалари асосида ташкил қилади.

3.3 «Пудратчи» объектда таъмирлаш ишларини аванс тўловлар амалга оширилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида бажаради ва танлов шартлари ва баённомасига мувофиқ ф-2, ф-3 далолатномаларига асосан «Буюртмачи» ва Пудратчи мутахассисларига топширади.

4. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ

4.1 «Пудратчи» бажариши керак бўлган Жорий таъмирлаш ишлари қиймати жорий нархларда 199 500 000 (бир юз тўқсон тўққиз миллион беш юз минг) сўмга келишилди. ҚҚС билан.

4.2 Шартнома қиймати ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовути ва ҚҚС ни олмайди.

5. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» хисоб рақамига 30 % бўнак (аванс) тўловини ўтказиб беради.

5.2 Тўлов шакли «Пудратчи» томонидан ф-2; ф-3 хужжатларини тасдиқлатгандан сўнг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «Пудратчи»ни хисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиб берилади.

5.3 Шартнома бўйича охириги хисоб-китоб таъмирлаш ишлари тўлиқ тамомлангандан сўнг ва тегишли далолатномалар билан қабул қилиб олинганидан сўнг 30 кун муддат ичида «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

6. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1 «Пудратчи» ушбу шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишларни «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» хисоб рақамига шартнома умумий суммасининг 30 % бўнак (аванс) тўловини ўтказиб берган кундан бошлаб 30 кун муддатда бажаради.

6.2 «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишга бажарилган ишлар далолатномалари тўла тасдиқлангандан сўнг ҳақ тўлайди, ёки ёрдамчи пудратчининг розилик хатига асосан «Буюртмачи»да мавжуд бўлган қурилиш материаллари билан хисоб-китоб қилинади.

6.3 Шартнома муддати 2022 йил 31 декабргача бўлиб, шартномага киритиладиган барча кейинги ўзгартиришлар қўшимча келишув баённомаси асосида амалга оширилади.

6.4 Шартнома туман молия бўлими ғазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1 «Пудратчи» олган мажбуриятини бузганлиги учун (мазкур шартнома 2.3-моддасига асосан қурилишни бошлаш ва яқунлаш муддати, Буюртмачи томонидан топилган камчиликлар ва чала ишларни бартараф этиш муддати каби мажбуриятлар) у «Буюртмачи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,5 % ҳажмида жарима тўлайди. Аммо бунда умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 % дан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш шартнома мажбуриятини бузган томонни иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш муддатини ўтказиб юбориши оқибатида келтирилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2 Муддатини ўтказиб юборганлик ёки мажбуриятини етарли даражада уддаламаганлиги учун пеня тўлаш, томонларни табиий равишда ушбу шартнома мажбуриятини бажаришдан озод этмайди.

7.3 Шартнома ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига, ҳамда: Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани табиий ходисалар ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб булмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир қўраётган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод буладилар.

8.2 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб булмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукми сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.3 Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир бўлгани еки улар бартараф этилгани хакида уз вактида 15 кун муддатда хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган такдирда бу вазиятларни сабаб килиб курсата олмайди.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1 Томонлар ўртасида келиб чиккан хар қандай келишмовчиликлар, муаммо ва низолар ушбу шартнома шартлари хамда амалдаги қонун талаблари асосида, ўзаро келишув асосида одилона хал қилинади.

9.2 Ўзаро келишув йўли билан хал қилишликнинг имконияти булмаган келишмовчиликлар иқтисодий суд оркали хал қилинишига эришилади.

10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

10.1 Ушбу шартнома хар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб хар иккала томон имзоланган холлардагина хақиқий кучга эга бўлади.

10.2 «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли

10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни бориши сусткашлик билан 1 ой 10 кунга ошиб кетганда.

10.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

10.3 «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли.

10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича тамирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда.

10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха хужжатларга ўзгартириш киритиш билан боғлик холда ишларни бахоси 50% фоизга камайганда.

10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молиялаш имконияти йўкотилганда.

10.4 «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар хажми қийматини тўлайди.

10.5 Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР.

11.1 «Пудратчи» амалдаги тартиб қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 12 ой муддатга кафолат беради. Ушбу бандга риоя қилмаган холларда бажарилган ишлар шартномавий қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

11.2 Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

12. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

12.1 Харидор билан Сотувчи мазкур шартнома иловасига мувофиқ коррупсияга қарши қоидаларнинг асосий шартларига риоя қилишга келишиб олдилар.

13. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАРНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАР

13.1. Харидор ва Сотувчи ушбу шартнома бўйича ўз хизмат вазибаларини бажараётганда коррупсиявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан, гайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда гайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўришишида:

Пора таклиф қилмаслик; ваъда бермаслик;

Пул тўламаслик; товламачилик қилмаслик;
Бевосита ёки билвосита пора олишга розилик
бермаслик;
пора олмаслик;
бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан
фойдаланмаслик;
мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни олмаслик;
ўз ваколатларини суниестъмол қилмаслик мажбуриятини олади

13.2. Харидор ва Сотувчи агардаги шахслар томонидан коррупсияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт

13.3. Харидор ва Сотувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва (Давлат органи ёки ташкилотининг номи) ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол шартнома бўйича ўзидан бошқа тарафни хабардор қилиши шарт.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»
«Улугбек Келажак Бунёдкори» х/к
Манзил: Учкўприк тумани Ўқитувчилар
кўчаси
х/р: 2020 8000 5006 4567 0001
Банк: Универсал банк Учкўприк филиали
МФО: 00973
ИНН 304028284 ОҚОНХ: 61110

«БУЮРТМАЧИ»
Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Учкўприк тумани Соғлом авлод кўчаси
123 уй
Банк: Марказий банк Тошкент ХҚҚМ
МФО: 00014
ИНН: 200193111
ОҚОНХ: 100029860302214043101054007
ОҚОНХ: 791511



У.Ашуров



Б.Орипов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ OM6153134456

1. Loyihaning turi:

Pudrat shartnomasi

2. Loyiha ishlab chiqilgan muddat va yuridik xizmat ko'rsatish

markaziga kiritilganligi to'g'risidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi 2022-yil 16-sentabr kuni Uchko'prik tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga «E-Huquqshunos» elektron tizimi orqali taqdim qilingan.

3. Mahsulot yetkazib berish shartnomasining qisqacha mazmuni:

Uchko'prik tumani Tibbiyot birlashmasi bundan buyon «BUYURTMACHI» deb yuritiluvchi amaldagi nizomga asosan harakat qiluvchi boshliq shaxsidan B.Oripov va "Ulug'bek kelajak bunyodkori" X/K bundan buyon «PUDRATCHI» deb yuritiluvchi amaldagi nizomga asosan harakat qiluvchi boshliq shaxsidan U.Ashurov ushbu shartnomani quyidagilar to'g'risida tuzdilar.

Shartnoma loyihasiga ko'ra, Uchko'prik tumani Tibbiyot birlashmasiga qarashli Yakkamulla qishloq oilaviy poliklinikasi binosini joriy ta'mirlash ishlarini o'z ichiga oladi.

Tanlov g'olibini aniqlash bo'yicha o'tkazilgan yig'ilish bayoni 2022-yil 8-sentabr kuni imzolangan.

Ushbu shartnoma buyicha «BUYURTMACHI» tomonidan «PUDRATCHI» hisob raqamiga 30% avans to'lovini o'tkazib beradi. Unga ko'ra bajariladigan joriy ta'mirlash ishlarini «PUDRATCHI» hisob raqamiga 30% avans to'lovini o'tkazib berilgan kundan boshlab 30 kun muddat ichida bajarilishi kerak. Shartnomaning amal qilish muddati 2022-yil 31-dekabr qilib belgilangan. Agar pudratchi tomonidan tamirlash ishlari vaqtida amalga oshirilmasa dalolatnoma tuzish bilan kamchiliklar belgilanadi.

Umumiy summa: Shartnomaning umumiy bahosi 199500000 (bir yuz to'qson to'qqiz million besh yuz ming) so'mni tashkil qiladi.

Shartnoma bahosi o'z ichiga KMI materiallar baxosi tafovuti va QQS ni olmaydi.

4. Shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlari asosida o'rganish.



O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuniga, “Xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuniga, O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaroriga, Vazirlar Mahkamasining “Davlat buyurtmachilari tomonidan tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) davlat xaridlarida uzluksizlikni ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaroriga va boshqa Qonunchilik hujjatlari asosida o‘rganildi.

Davlat xaridlari to‘g‘risidagi qonunning 30-moddasiga asosan, Xarid qilish tartib-taomillarini amalga oshirish turlari quyidagilardan iborat:

elektron do‘kon;

boshlang‘ich narxni pasaytirish uchun o‘tkaziladigan auksion;

eng yaxshi takliflarni tanlash;

tender;

to‘g‘ridan to‘g‘ri shartnomalar bo‘yicha amalga oshiriladigan davlat xaridlari;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari bilan ruxsat etilgan xaridlarning boshqa raqobatli turlari.

Xarid qilish tartib-taomillari elektron shaklda amalga oshirilishi mumkin.

eng yaxshi takliflarni tanlash bo‘yicha o‘tkazilgan tanlovga ko‘ra (lot raqami 144990 <https://etender.uzex.uz/deals-list>) “Ulug‘bek kelajak bunyodkori” x/k g‘olib deb topilgan.

Taraflarning javobgarlik masalasi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunining 25-32-moddalariga hamda fuqarolik kodeksiga mos ravishda ishlab chiqilgan.

**Pudrat shartnomasi loyihasi o‘rganib chiqilib,
xulosa qilindi:**

Pudrat shartnomasi loyihasi Qonunchilik hujjatlari asosida o‘rganib chiqilishi natijasida ushbu shartnoma loyihasi Qonunchilik hujjatlariga muvofiq hisoblanadi.

**Uchko‘prik tuman yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi bosh
yuriskonsulti**

2022-yil 19-sentabr



E.Qalandarov

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Учкўприк тумани Тиббиёт
бирлашмаси бош врачиси:

Б.Орипов

Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмаси томонидан 08.09.2022 йил кунги лот № 144990 билан Учкўприк тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли Яккамулла қишлоқ оилавий поликлиника биносини жорий тамирлаш ишлари учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

Б.Орипов

Қатнашчилар:

1. Б.Имомов

2. Т.Холматов

3. Ш.Рахмонов

4. А.Хожиматов

5. Ф.Дехконова

Ўиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

Учкўприк ТТБ га қарашли Яккамулла қишлоқ оилавий поликлиника биносини жорий тамирлаш учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Яккамулла қишлоқ оилавий поликлиника биносини жорий тамирлаш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан жорий тамирлаш учун ўтказилган электрон элонга раислик қилувчи Б.Орипов сўзга чиқиб, ушбу элон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтказилганини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-модда 7-хат босида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳожама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш кун ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилиши лозим эканлигини аниқ

бир бор тақидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайати:



Қарор қилади.

1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан этирозлар ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб "ULUG'BEK KELAJAK BUNYODKORI" ХК ни йиғилиш хайъати голиб деб элон қилсин.
2. Голиб деб топилган қатнашчи "ULUG'BEK KELAJAK BUNYODKORI" ХК билан қонунчиликда белгиланган тартиба шартномаларни расмилаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия раиси:

Котиб:

Комиссия азалари:

	Б.Орипов
	Б.Имомов
	Т.Холматов
	А.Хожиматов
	Ш.Рахмонов
	Ф.Дехқонова

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 144990 на приобретение Учкуприк тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли Яккамулло шифокорлик пункитини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 08.09.2022

Время рассмотрения 08.09.2022 12:01

Конкурсная комиссия Учкуприк тумани Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ORIPOV BAXODIRJON XASANOVICH	Рахбар	Учкуприк тумани Марказий Шифохонаси
Секретарь комиссии	IMOMOV BAXODIR YULDASHEVICH	Котиб	Учкуприк тумани Марказий Шифохонаси
Член комиссии	RAXMONOV SHAXBOZJON SHAVKATOVICH	Комиссия аъзоси	Учкуприк тумани Марказий Шифохонаси
Член комиссии	DEXQONOVA FOTIMA MIRAXMEDOVNA	Комиссия аъзоси	Учкуприк тумани Марказий Шифохонаси
Член комиссии	XOLMATOV ALISHER ERGASHEVICH	Комиссия аъзоси	Учкуприк тумани Марказий Шифохонаси
Член комиссии	XOLMATOV TO'LAGAN QODIROVICH	Комиссия аъзоси	Учкуприк тумани Марказий Шифохонаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.09.2022 года № лота 144990.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	199 939 865.00
Стартовая сумма	199 939 865.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3. Машина механизмлар тўғрисида

Тип: Бинарное значение

Описание: Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	9	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	9	Экспертная		

Критерий №2 6. Ишчи ходимлар тўғрисида

Тип: Бинарное значение

Описание: Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олинши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	10	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	8	Экспертная		

Критерий №3 5. Молиявий ҳолати

Тип: Бинарное значение

Описание: Корхонани охирги йиллик баланс ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиш керак). Курилиш ташкилотини ҳисоб рақамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % миқдорда пул маблағи мавжуд бўлиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	10	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	8	Экспертная		

Критерий №4 4. Рейтинг

Тип: Бинарное значение

Описание: Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	7	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	8	Экспертная		

Критерий №5 8. Кафолат хати

Тип: Бинарное значение

Описание: Пудратчи 12 ой мобайнида бажарилган ишлар учун кафолат бериш керак .Агар шу муддат ичида носозлик холати аникланса пудратчи хисобидан бартараф этилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	10	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	9	Экспертная		

Критерий №6 2. Банк ва солиқдан карзи йуқлиги тугрисида

Тип: Бинарное значение

Описание: Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карзи йуқлиги тўғрисида маълумот Қайси турдаги солик тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	10	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	6	Экспертная		

Критерий №7 7. Иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объеклада бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	9	Экспертная		
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	10	1	8	Экспертная		

Критерий №8 1. Пудратчи ташкилот тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Пудратчи ташкилот низоми руйхатдан утказилгани тўғрисида гувоҳнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	10	1	8	Экспертная		
FARG ONA QURILISH	10	1	7	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVEST LOYIHA MCHJ						

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	199 939 865.00	199 500 000.00 UZS	199 500 000.00	00.00	199 500 000.00	06.09.2022 10:44:01	20
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	199 939 865.00	199 935 000.00 UZS	199 935 000.00	00.00	199 935 000.00	07.09.2022 17:03:30	19.95649

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI	73	20	93
FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ	63	19.95649	82.95649

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 144990 от 08.09.2022 года на приобретение Учкуприк тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли Яккамулло шифокорлик пункитини жорий таъмирлаш определила победителем:

ULUGBEK KELAJAK BUNYODKORI
304028284

и резервный исполнитель: FARG ONA QURILISH INVEST LOYIHA MCHJ (301744655)


Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ORIPOV BAXODIRJON XASANOVICH	Согласен	
Член комиссии	RAHMONOV SHAXBOZJON SHAVKATOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEXQONOVA FOTIMA MIRAXMEDOVNA	Согласен	
Член комиссии	XOJIMATOV ALISHER ERGASHEVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLMATOV TO'LAGAN QODIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

24	ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ (БЕЗ КАРНИЗНЫХ, ПЛИНТУСНЫХ И УГЛОВЫХ ПЛИТОК) БЕЗ УСТАНОВКИ ПЛИТОК ТУАЛЕТНОГО ГАРНИТУРА НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ	100M2	1,06
ЦОКОЛ			
25	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	M3	0,231
26	ОБШИВКА ЦОКОЛЯ ИЗ ТУНИКАБОНДА	100M2	0,22
КАРИДОР			
27	ОБЛИЦОВКА КАРКАСОВ ПАНЕЛЯМИ ДЕКОРАТИВНЫМИ ПЛАСТИКОВЫМИ С УСТРОЙСТВОМ КАРКАСА БЕЗ ОТНОСА ОТ СТЕН	100M2	1,8
28	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ ЛИНОЛЕУМА НА КЛЕЕ БУСТИЛАТ	100M2	0,36
29	УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ПЛАСТИКОВЫХ НА ВИНТАХ САМОНАРЕЗАЮЩИХ	100M	0,38
30	УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ДЕРЕВЯННЫХ	100M	0,09
ФАСАД			
31	УСТАНОВКА И РАЗБОРКА НАРУЖНЫХ ИНВЕНТАРНЫХ ЛЕСОВ ВЫСОТОЙ ДО 16 М ТРУБЧАТЫХ ДЛЯ ПРОЧИХ ОТДЕЛОЧНЫХ РАБОТ	100M2	2,44
32	ОЧИСТКА ВРУЧНУЮ ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ОТ ПЕРХЛОРВИНИЛОВЫХ И МАСЛЯНЫХ КРАСОК: С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	2,44
33	ШПАТЛЕВКА ФАСАДОВ: ПРОСТЫХ С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	2,44
34	СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ: ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПЛОСКИХ	100M2	0,9
35	ОТДЕЛКА НАРУЖНЫХ СТЕН ПО ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОВЕРХНОСТЯМ ДЕКОРАТИВНЫМ ПОКРЫТИЕМ ПОД ИМИТАЦИЮ НАТУРАЛЬНОГО КАМНЯ «ТРАВЕРТИН». СПЛОШНОЕ НАНЕСЕНИЕ С ПОЛИРОВОЙ ПОВЕРХНОСТИ (БЕЗ РИСУНКА) С РАСХОДОМ 350 КГ РУЧНЫМ СПОСОБОМ	100M2	2,04
36	ОКРАСКА ПЕРХЛОРВИНИЛОВЫМИ КРАСКАМИ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ПРОСТЫХ: ЗА 2 РАЗА С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	1
37	РЕМОНТ СТЕН ИЗ ШЛАКОБЕТОННЫХ КАМНЕЙ СПЛОШНЫХ	M3	7,2
ВНУТРЕННЯЯ ОТДЕЛКА			
38	КЛАДКА ОТДЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ КИРПИЧНЫХ СТЕН И ЗАДЕЛКА ПРОЕМОВ В КИРПИЧНЫХ СТЕНАХ ПРИ ОБЪЕМЕ КЛАДКИ В ОДНОМ МЕСТЕ ДО 5 М3	M3	3,25
39	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	M3	0,94
40	ОБЛИЦОВКА ГИПСОВЫМИ И ГИПСОВОЛОКНИСТЫМИ ЛИСТАМИ СТЕН ПРИ ОТДЕЛКЕ ПОД ОКРАСКУ И ОКЛЕЙКУ ОБОЯМИ С КРИПЛЕНИЕМ НА ПРИСТЕННЫЙ МЕТАЛЛИЧЕСКИЙ КАРКАС С ЕГО УСТРОЙСТВОМ	100M2	0,89
41	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ УЛУЧШЕННАЯ ПО КАМНЮ И БЕТОНУ СТЕН	100M2	1,6
42	СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ [ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА] ИЗ СУХИХ РАСТВОРНЫХ СМЕСЕЙ ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ СТЕН	100M2	1,6
43	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ СТЕН	100M2	1,6
44	ОКРАШИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ СТЕН ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ: РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ ВОДОЭМУЛЬСИОННОЙ КРАСКОЙ С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ: ДО 35 %	100M2	3,61
45	УЛУЧШЕННАЯ МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ СТЕН ЗА ДВА РАЗА С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ: ДО 35 %	100M2	0,79
46	ОКРАШИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ ПОТОЛКОВ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ: РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ ВОДОЭМУЛЬСИОННОЙ КРАСКОЙ С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ: ДО 35 %	100M2	1,67
ПРОЕМЫ			
47	УСТАНОВКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ДВЕРЕЙ С ПОДГОТОВКОЙ ПРОЕМА И УСТАНОВКОЙ НАКЛАДНЫХ И ЗАКЛАДНЫХ ДЕТАЛЕЙ ПЛОЩАДЬЮ ДО 2,5M2	M2	3
48	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ДВЕРЕЙ	100M2	0,06
КРОВЛЯ			
49	СМЕНА КРОВЛИ ИЗ АСБОЦЕМЕНТНЫХ ЛИСТОВ: ОБЫКНОВЕННОГО ПРОФИЛЯ	100M2	0,15

Водяной уличный септик
 Водяной насос
 Водяной насос





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Фарғона вилояти

150115 Farg'ona shahri, Al-Farg'only 36-uy tel 73)-244-68-81 244-68-82 mail: fergexp@rambler.ru
www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: MADMAROV KUDRAT YAXIYADJANOVICH
Sana:16-08-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 56844

Obyekt nomi «Farg'ona viloyati, Uchko'prik tumani Tibbiyot birlashmasiga qarashli Yakkamullo oilaviy shifokorlik punkti binolarini joriy ta'mirlash.»

Buyurtmachi - "PROARCH" XK

Bosh loyihachi - "PROARCH" XK

Litsenziya 05.01.2022y № AL-002028-sonli

Moliyalashtirish manbai - Byudjetdan tashqari mablag'lar xisobidan

Bosh pudratchi - Tender savdolari asosida (agar qaror qabul qiluvchi organ tomonidan belgilangan bo'lsa)

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 52663

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Farg'ona viloyati Uchko'prik tumani Hokimining 27.04.2022-yil kungi 48-11-162-F/22-sonli Farmoyishi.
- 1.2. Farg'ona viloyati Uchko'prik tumani TB raxbari B.Oripov tomonidan tasdiqlangan Loyiha topshirig'i.
- 1.3. Nuqson dalolatnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Elektron yo'nalishda taqdim qilingan smeta xujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

- 3.1. Farg'ona viloyati, Uchko'prik tumani Tibbiyot birlashmasiga qarashli Yakkamullo oilaviy shifokorlik punkti binolarini joriy ta'mirlash. (Bajariladigan ishlar Nuqson dalolatnomasi va Loyixa topshirig'ida keltirilgan).

4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

- 4.1. Nuqson dalolatnomasiga ko'ra jixozlangan

5. Loyihani keltirilganligi to'g'risida hujjatlar.

- 5.1. Farg'ona viloyati Uchko'prik tumani TB raxbari B.Oripov tomonidan tasdiqlangan Loyiha topshirig'i.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Smeta xujjalari ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining texnologik, ichki muxandislik, energiya tejamlorlik va boshqa yechimlari izoxlarsiz taqdim etilgan.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izoxlariga muvofiq smeta xujjalriga kiritilgan kamchiliklar va tuzatishlar loyixachi tomonidan ko'rib chiqildi va tuzatildi. (Biriktirilgan lokal ekspertiza xulosalaridagi faylda batafsil ko'rsatib o'tilgan).

6.3. Buyurtmachi jami xarajati, materiallar qiymati, ish xaqqi 12114,89 sum/chelchas (ijtimoyi sug'urta siz) va pudratchining boshqa xarajatlari 19,39% buyurtmachi xatiga asosan qabul qilindi.

Buyurtmachi tomonidan quydagi obyekt jami bo'lib 203 939,865 ming so'm taqdim etilgan.

Tekshiruv natijasiga ko'ra quydagi ko'rsatgichlar tavsiya etiladi:

Qurilish qiymati QQS siz	- 173 860,752 ming so'm
QQS 15%	- 26 079,113 ming so'm
Qurilish qiymati QQS bilan	- 199 939,865 ming so'm
Buyurtmachining xarajatlari	- 4000,000 ming so'm
Jami obyekt qiymati QQS va buyurtmachi xarajatlari bilan	- 203 939,865 ming so'm

6.4. Jixozlar qiymati buyurtmachi kompetensiyasiga kiradi

6.5. Import qilingan uskuna'lar va materiallarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 17-sentabrdagi 579-sonli qarori 1-ilova, III-bob, 29-bandiga asosan ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik xujjalrining sifati, dastlabki ma'lumotlarining haqqoniyligi va qabul qilingan Loyiha yechimlariga buyurtmachi va Loyiha tashkilotlari javobgardir.

7. Xulosalar.

7.1. Farg'ona viloyati, Uchko'prik tumani Tibbiyot birlashmasiga qarashli Yakkamullo oilaviy shifokorlik punkti binolarini joriy ta'mirlash, smeta xujjalrari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.3. Ko'rsatilgan narxni tanlov savdolari uchun qabul qilish to'g'risida buyurtmachi qaror qabul qiladi.

7.4. Taqdim etilgan xujjalrarning to'g'riligiga buyurtmachi javobgardir

Bosh mutaxassis: TASHEMIROVA SHOXISTA MAXAMATJONOVNA